

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**65 Махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан  
қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва  
хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқ-  
номани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1602-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) мувофиқ, махаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида **буюраман**:

1. Махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Конун ҳужжатларини туркумлаш ва хуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев):

Корақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан махаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини хуқуқий экспертизадан ўтказиш ишларига услубий раҳбарликни янада кучайтирсин;

ушбу буйруқни уч кун муддат ичida барча манбаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

**65-модда**

**— 58 —**

**5 (557)-сон**

5. Мазкур буйрук ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2013 йил 1 февраль,  
29-мҳ-сон

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
аддия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги  
29-мҳ-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул  
қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини  
тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий  
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (бундан буён матнда лойиҳа деб юритилади) тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Йўриқнома Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан тавсиявий тусга эга.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Йўриқномада қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:  
**маҳаллий давлат ҳокимияти органининг норматив-хуқуқий тусдаги қарори** (бундан буён матнда қарор деб юритилади) — халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари (бундан буён матнда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари деб юритилади) томонидан қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат;

**хуқуқий экспертиза** — лойиханинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини текшириш;

**қонунчилик техникаси** — қонун ҳужжатлари лойихаларини тайёрлаш ва расмийлаштириш жараёнида қўлланиладиган қоидалар, услублар, во-ситалар ва усувлар мажмуи.

2. Ўзбекистон Республикаси «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Конунининг 14-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида қарорлар тарзида норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қиласди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-хуқуқий тусдаги қарорларни қабул қилишдан олдин лойихани тегишлилиги бўйича Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига (бундан буён матнда адлия бошқармалари деб юритилади) хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим қилиши шарт.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати ходими лойихаларни адлия бошқармаларига хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун киритилишини таъминлайди.

4. Куйидагилар хуқуқий экспертизадан ўтказилмайди:

а) якка тартибдаги қуйидаги ҳужжатлар:

шахсий тусдаги (лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ёки лавозимидан озод қилиш, комиссия ва бошқа коллегиал органлар таркиби тасдиқлаш, бирор шахсга ер ажратиш ва бошқа шу кабилар);

тезкор-фармойиши тусдаги (бир марталик топшириқлар);

б) муқаддам белгиланган тартибни ижро этишни ташкил этишга йўналтирилган ҳамда янги хуқуқий нормаларни ўз ичига олмаган, шу жумладан, бутун мазмуни бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатлари тўғрисида хабардор қилишдан иборат бўлган ҳужжатлар;

в) сессия, йиғилиш, конференцияларни чакириш тўғрисидаги ҳужжатлар;

г) лойихаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

д) тавсия хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар;

е) норматив-хуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ҳужжатлар;

ж) умуммажбурий хусусиятга эга бўлмаган бошқа ҳужжатлар.

5. Ҳукуқий экспертизадан ўтказилмайдиган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид бўлган нормалар бўлмаслиги лозим.

6. Лойиҳада ҳатто битта умуммажбурий хусусиятга эга ҳукуқий норма ўрнатилган бўлса, бундай лойиҳа албатта адлия бошқармаларида ҳукуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

## **II боб. Лойиҳаларни тайёrlашни ташкиллаштириш**

7. Лойиҳани тайёrlаш маҳаллий давлат ҳокимияти органининг тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган таркибий бўлинмаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан тузиладиган ишчи гурӯх (комиссия) (бундан буён матнда ишлаб чиқувчи деб юритилади) томонидан амалга оширилиши мумкин.

8. Ишчи гурӯх (комиссия) таркибиға тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган таркибий бўлинмаларнинг, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гурӯх (комиссия) таркибиға киритилади.

Ишчи гурӯх (комиссия) аъзолари лойиҳани тайёrlаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

9. Лойиҳани тайёrlашда ишлаб чиқувчи:

қонун ҳужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганади;

ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳукуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳукуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;

халқаро ҳукукнинг умумеътироф этилган принциплари ва нормаларини хисобга олади, шунингдек ҳукуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ўрганади.

## **III боб. Лойиҳанинг матнига ва тузилишига кўйиладиган талаблар**

10. Лойиҳанинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Лойиҳада фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятларни кўйиладиган ташкилотларни тузилади.

тини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади.

11. Лойихада қўйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:  
оғзаки нутқ шакллари;

хорижий тилларнинг атамалари, давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий тақослашлар, сифатлашлар, киноялар;

аббревиатура ва қисқартмалар (умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар бундан мустасно).

12. Зарур ҳолларда, лойихада юридик, техник ва бошқа маҳсус атамалар ҳамда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади.

13. Тушунча ёки атаманинг таърифи унинг мазмунини тўлиқ очиб бериши керак. Тушунча ёки атамани айнан шу тушунча ёки атама билан, шунингдек ўзлари таърифланишга муҳтож бўлган бошқа тушунча ва атамалар орқали таърифлашга йўл қўйилмайди.

14. Лойихада кўп маротаба қўлланилган тушунчаларга таъриф бериш зарурати бўлганда, улар алоҳида бандда ва лойиха матнининг бошида келтирилади.

15. Сўз бирикмалари бир неча маротаба қўлланилган тақдирда, улар биринчи бор қайси бандда (кичик бандда, хатбошида) қўлланилган бўлса, ўша бандда (кичик бандда, хатбошида) тўлиқ таҳрирда баён қилинади ва мазкур тушунчанинг лойиханинг кейинги ўринларида қўлланиладиган қисқартирилган таърифи қавс ичida бош келишикда кўрсатилади.

16. Лойихада, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-хукукий ҳужжатларнинг хукукий нормалари қайта айнан такрорланмайди.

Лойиханинг бандларида унинг бошқа бандларига, шунингдек амалдаги бошқа норматив-хукукий ҳужжатларга, уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар хукукий нормаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш ёки тақрорлашларга йўл қўймаслик зарурати бўлган ҳолларда қўлланилади. Ҳаволалар аниқ бўлиши ва норматив-хукукий ҳужжатни ёхуд унинг алоҳида қоидаларини кўрсатиши керак.

Зарур ҳолда лойихада юқори юридик кучга эга бўлган норматив-хукукий ҳужжатнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

17. Лойиханинг тузилиши, лойихани хукукий тартибга солиш предметини мантиқан ривожланиб бориши ва ёритилишини таъминлаши лозим.

18. Лойиха номга эга бўлиши лозим. Унинг номи қисқа, аниқ баён этилиши ва мазмунини ўзида акс эттириши лозим.

19. Лойиха унинг қабул қилиниши сабаблари ва мақсадларига оид тушуниши қамраб олган муқаддимага эга бўлиши мумкин.

Лойиханинг муқаддимаси унинг мазмунини мантиқий ривожлантирув-

чи бир нечта хатбошиларда баён этилиши мумкин ва мустақил хукукий нормаларни ўз ичига олмаслиги, бандларга бўлинмаслиги ва рақамланмаслиги керак.

20. Лойиха қонун хужжати асосида ёки ижроси юзасидан тайёрланаётган холларда унинг муқаддимасида тегишли қонун хужжатлари (зарур бўлганда унинг тузилмавий бирлиги) кўрсатилади.

21. Лойихада хукукий нормалар араб рақамларида белгиланиб, нуқта кўйилган бандлар кўринишида баён қилинади ва сарлавҳага эга бўлмайди.

Бандлар лойиханинг бошидан охиригача кетма-кет рақамланади.

Лойиханинг хукукий нормаларини иккитали рақамлашга йўл кўйилмайди (масалан, «1.1», «5.1.1», «1.a» ва x. k.).

22. Лойиханинг ҳар бир банди, қоида тариқасида, битта хукукий нормага эга бўлиши лозим. Лойиханинг ҳар бир мустақил банди тўлиқ ва туғалланган мазмунга эга бўлиши керак.

23. Бандлар кичик бандлар ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

24. Кичик бандлар доирасимон қавс билан беркитиладиган араб рақамлари ёки кичик ҳарфлар билан белгиланади (масалан, 1), 2), 3) ёки а), б), в) ва x. k.). Лойиха қандай тилда тайёрланаётган бўлса, ҳарфлар ушбу тил алифбоси бўйича кетма-кетликда баён қилиниши лозим.

25. Кичик бандлар факатгина хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Хатбошилар бошланишида дефис ёки бошқа белгиларни ишлатишга йўл кўйилмайди.

26. Лойиханинг бандида бир вақтнинг ўзида кичик бандларни ва мустақил (кичик бандлар билан боғланмаган) хатбошиларнинг баён этилишига йўл кўйилмайди.

27. Лойихага низомлар, қоидалар, регламентлар, талаблар, турли хил рўйхатлар, жадваллар, графиклар, тарифлар, хариталар, схемалар, тузилмалар, хужжатларнинг, бланкаларнинг намуналари, шунингдек тавсиявий хусусиятдаги хужжатлар (намунивий низомлар, уставлар, шартномалар, услубий тавсиялар ва бошқалар) илова қилиниши мумкин.

Бундай ҳолларда лойиханинг қарор қисмида энг муҳим бўлган хукукий нормалар киритилади.

28. Тушунчаларнинг таърифи, белгиланаётган нормаларни амалга ошириш механизмлари лойиханинг таркибий қисми хисобланувчи иловаларда, қоида тариқасида, низом ва қоидалар шаклида баён этилади.

Низомларнинг асосий мазмуни умумий белгилар асосида бирлаштирилган муносабатлар мажмунини тартибга солишга қаратилган ўзаро тизимли боғланган қоидаларни ўрнатишдан иборат.

Қоидаларнинг асосий мазмуни аниқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида нормаларни ўрнатишдан иборат.

29. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлардан иборат бўлган иловалар изчил кетма-кетликда рақамланган бандларга эга бўлади. Бўлимлар ва боблар рим рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

Агар лойиҳада боблар бўлмаса, «бўлим» тузилмавий бирлиги киритилишига йўл қўйилмайди.

30. Лойиҳа матни грамматика, пунктуация, орфография ва стилистика қоидаларига мувофиқлиги юзасидан текширилади.

Лойиҳанинг матнида ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди.

#### IV боб. Лойиҳани расмийлаштириш

31. Лойиҳанинг матни А4 форматдаги қофоз варагининг бир томонида масштаб кичрайтирилмаган ҳолда жойлашиши лозим.

32. Агар лойиҳа икки ёки ундан ортиқ варакда баён этилган бўлса, лойиҳанинг ҳар бир вараги рақамланиши лозим.

Бетнинг тартиб рақами варакнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди. Худди шундай тартибда лойиҳанинг иловалари ҳам рақамланади. Бунда лойиҳа ва унинг иловалари алоҳида рақамланиши лозим.

33. Лойиҳалар тайёрланишида, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қўйидаги параметрлардан фойдаланилади:

варакнинг чап ҳошияси 3 см, ўнг ҳошияси 1,5 см, юқори ва паст ҳошияси 2 см;

«Times New Roman» шрифти ва лойиҳанинг ҳажмидан келиб чиқиб 13, 13,5 ва 14 ўлчамли шрифт;

биринчи қатор хатбошиси 1,27 см;

қаторлараро интервал (множитель) 1,2.

34. Лойиҳанинг биринчи бети юқори ўнг томонида «ЛОЙИҲА» сўзи қўйилади, унинг ҳажми матн шрифти билан айнан бир хил бўлиши лозим.

35. Лойиҳа турининг матни катта ҳарфлар билан, матнни марказга тўғрилаган ҳолда, «тўқ» шрифтда, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошилиз расмийлаштирилади.

36. Лойиҳанинг номи кичик ҳарфларда, «тўқ» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошилиз расмийлаштирилади.

37. Лойиҳа матнининг ҳар бир қаторида сўзлар кўчирилмасдан тугалланган бўлиши лозим. Лойиҳанинг ҳар бир қатори охирида, кўмакчилар, боғловчилар, «№» белгиси, сонлар қисми, аббревиатуралар ва бошқаларнинг колдирилиши тавсия этилмайди.

38. Илова белгиси 12 ўлчамли шрифтда сахифанинг юқори ўнг бурчагида жойлаштирилади ҳамда унда, илованинг рақами (агар бир нечта иловалар мавжуд бўлса), илова қилинаётган лойиҳа тури кўрсатилган ҳолда хужжат рақами ва санаси кўрсатиладиган бўш жой қолдирилади.

39. Лойиҳа иловасининг номи кичик ҳарфларда, «тўқ» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошилиз расмийлаштирилади.

**V боб. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш,  
шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш  
тўғрисидаги лойиҳаларни тайёрлашнинг хусусиятлари**

40. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳа, қоида тариқасида, қўйидаги ҳолларда тайёрланади:

агар лойиҳа бошқа қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этса;

loyiҳani тайёрлаш жараёнида, худди шундай муносабатларни тартибга солувчи қарор аниқланганда ва янги хужжат қабул қилмасдан ушбу қарорга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш йўли билан хуқуқий тартибга солиши имконияти бўлганда;

айнан бир хил масалалар бўйича қарорларнинг кўплигини ва аниқланган хуқуқий нормаларнинг ўзаро зидлигини бартараф этиш учун.

41. Агар қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги хуқуқий нормаларни ўз ичига олган лойиҳада, ушбу нормалар икки ёки ундан ортиқ бандни ташкил этса ва ҳажми катта бўлса, улар лойиҳага илова (иловалар) кўринишида тайёрланади.

42. Ўзгартиришларга қўйидагилар киради:

сўзлар, рақамлар, позициялар, блоклар ва графаларни алмаштириш;

бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар, иловаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ёки хатбошилар, сўзлар, рақамлар, позицияларни, блоклар ва графаларни чиқариб ташлаш;

бўлимларни, кичик бўлимларни, бобларни, параграфларни, бандларни, кичик бандларни, хатбошилар ва иловаларни, шунингдек норматив-хуқуқий хужжатнинг номланишини янги таҳирда баён этиш.

43. Қўшимчалар қўйидагилардан иборат:

қарорнинг тузилмавий бирлигининг янги сўзлар, рақамлар, жумлалар, позициялар, блоклар ва графалар билан тўлдирилиши;

қарорнинг тузилмавий бирликлар (бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, илова, банд, кичик банд ва хатбоши) билан тўлдирилиши.

44. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи лойиҳалар матни қўйидаги тузилмавий бирликларга бўлинади:

нуқта қўйиладиган арабча рақамлар билан рақамланадиган бандлар;

қавс билан кичик харфларда рақамланадиган кичик бандлар;

хатбошилар.

45. Агар лойиҳанинг банди билан тегишли қарорга фақатгина битта ўзгартириш ёки қўшимча киритиш назарда тутилган бўлса, унда кичик бандлар ишлатилмайди.

46. Қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда унинг бўлимлари, бандлари ва кичик бандларининг рақамланиши, шу жумладан харфлар орқали рақамланиши ўзгармайди.

Агар қарор янги тузилмавий бирликлар билан тўлдирилаётган бўлса, унда уларни асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган қўшимча рақамлар билан белгилаш лозим (масалан, VIII<sup>1</sup> боб, 10<sup>1</sup>-банд, «а<sup>1</sup>» кичик банди ва ҳ. к.).

47. Агар тегишли қўшимчалар лойиханинг тузилмавий бирлиги (бўлим, кичик бўлим, боб ёки банд) охирiga киритилаётган бўлса, унда мавжуд рақамланиш давом этади (масалан, агар бўлимнинг охирги банди 5-банд бўлиб ҳисобланса, бўлим 6-банд билан тўлдирилади, агар банднинг охирги банди «в» кичик банд ҳисобланса, унда «г» кичик банд билан тўлдирилади).

48. Банд ёки кичик бандга янги хатбоши қўшилаётганда, мазкур банд ёки кичик банднинг кейинги хатбошилари рақамланиши тегишли тартибда ўзгаради.

49. Агар лойиха бир вақтнинг ўзида бир нечта қарорлар ёки уларнинг тегишли тузилмавий бирликларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топишни назарда туваётган бўлса, унда мазкур қарорлар хронологик тартибда жойлаштирилади (уларни қабул қилиш санаси бўйича). Айнан битта санада қабул қилинган қарорлар улар рақамларининг ортиб бориши тартибida жойлаштирилади.

50. Қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда мазкур ҳужжатнинг тури, қабул қилиш санаси, рақами, номи ва эълон қилинган тегишли расмий манбаси кўрсатилади.

## **VI боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати ходими томонидан лойиҳани ҳукукий экспертизадан ўтказиш**

51. Лойиҳа бошқа ташкилотлар билан келишишдан олдин маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмати ходими томонидан ҳукукий экспертизадан ўтказилади.

52. Агар лойиҳа қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига, шунингдек грамматика, пунктуация, орфография ва стилистика қоидаларига мувофиқ бўлса, юридик хизмат ходими томонидан имзоланади. Имзолаш лойиҳанинг ҳар бир бети орка тарафига имзо қўйиш билан амалга оширилади.

53. Лойиҳа қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига номувофиқ бўлса ёки унда ички қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган тақдирда, юридик хизмат ходими лойиҳани тегишли эътиrozлар билан қайта ишлаш учун ишлаб чикувчига қайтаради.

54. Юридик хизмат ходими лойиҳани имзолаш билан бир вақтда ушбу лойиҳа бўйича маълумотнома тайёрлайди.

Маълумотномада қуйидагилар акс эттирилади:

ложиҳа асосланган ёки унинг ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар (қонун ҳужжатининг номи, қабул қилинган санаси, рақами, расмий эълон қилинган манбаси);

тартибга солишининг ҳукукий асослари (маҳаллий давлат ҳокимияти

**65-модда**

**— 66 —**

**5 (557)-сон**

органининг қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжат билан тартибга солинадиган масалани ечиш ваколати);

лойиҳанинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги;

лоиҳа қабул қилинган тақдирда ушбу маҳаллий давлат ҳокимияти органинг тегишли қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки ўз кучини йўқотган деб топиш зарурати ҳақидаги маълумотлар.

Маълумотнома юридик хизмат ходими томонидан имзоланади.

55. Юридик хизмат ходими меҳнат таътилида, хизмат сафарида бўлган, вақтнчалик меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли, шунингдек бошқа сабабларга кўра ишда бўлмаган ҳолларда, маълумотнома лойиҳанинг хуқуқий тартибга солиш предметига таалукли масалани тартибга солиш учун масъул бўлган таркибий бўлинма (мансадор шахс) томонидан тайёрланади ва мазкур таркибий бўлинма раҳбари (мансадор шахс) ёки ҳоким ўринbosарларидан бири томонидан имзоланади.

## **VII боб. Лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш**

56. Лойиҳа юридик хизмат ходими томонидан кўриб чиқилганидан кеин, ишлаб чиқувчининг раҳбари лойиҳани имзолайди ва кузатув хати билан манфаатдор органлар ва ташкилотларга (бундан буён матнда манфаатдор органлар деб юритилади) уни узил-кесил келишиш (имзолаш) учун юборади.

Зарур ҳолларда ишлаб чиқувчи лойиҳани манфаатдор органларга имзолаш учун юборишдан олдин, лойиҳани ушбу органларга олдиндан келишиш ва фикрларини ўрганиш учун юбориш хукуқига эга.

57. Ижтимоий-иктисодий ривожланиш, бюджет масалалари ва солиқ бўйича имтиёзлар бериш билан боғлиқ лойиҳалар тегишлича ҳудудий иктисодиёт, молия ва давлат солиқ хизмати органлари билан келишилиши лозим.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашининг солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорлари лойиҳалари тегишли равишда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳам келишилиши лозим.

58. Атроф-табиий муҳитга, шу жумладан табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳўжалик ва бошқа фаолиятни тартибга соловчи лойиҳалар ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан мажбурий давлат экологик экспертизасидан ўтказилади.

59. Рақобатни бевосита ёки билвосита чеклаши ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принципларини бузиши мумкин бўлган лойиҳалар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органларида мажбурий тартибда дастлабки экспертизасидан ўтказилади.

60. Ходимларнинг ижтимоий-мехнат хукукларига тааллукли лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳудудий органлари билан келишилади.

61. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тааллукли лойиҳалар Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари билан келишилади.

62. Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти ма-салаларига тааллукли лойиҳалар тегишлича вилоятлар ва туманлар фермер-лар кенгашлари билан келишилади.

63. Манфаатдор органлар З кунлик муддатда лойиҳани кўриб чиқиши ва узил-кесил келишиши (имзолаши) шарт.

64. Агар лойиҳа бўйича манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари мавжуд бўлса, улар ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини хатда асослар билан кўрсатадилар ва лойиҳани таклиф ва мулоҳазалар билан имзо-лайдилар. Бунда имзонинг олдида таклиф ва мулоҳазалар ифодаланган хат-нинг санаси ва рақами кўрсатилади.

Лойиҳа бўйича таклиф ва мулоҳазалар ифодаланган хат ишлаб чиқувчига лойиҳа билан бирга топширилади.

65. Хатда асослантирилмаган таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқувчи томонидан инобатга олинмаслиги мумкин. Асослантирилмаган таклиф ва мулоҳазалар қабул қилинмаслиги оқибати бўйича жавобгарлик, ўз таклиф ва мулоҳазаларини асослантирилмаган манфаатдор органларнинг раҳбари зим-масига юклатилади.

66. Лойиҳага, унинг мазмuni ва тузилмасини жиддий ўзгартираётган таклиф ва мулоҳаза мавжуд бўлганда, манфаатдор органлар ишлаб чиқувчига ўзларининг лойиҳа вариантини таклиф қилишлари мумкин. Бунда таклиф этилган лойиҳанинг варианти манфаатдор органларнинг биринчи раҳбари истисно ҳолларда унинг биринчи ўринбосари томонидан асослаш-хати билан бирга имзоланади.

67. Ишлаб чиқувчи манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари-ни кўриб чиқади, зарурат бўлган ҳолларда лойиҳага тегишли тузатишларни киритади.

### **VIII боб. Лойиҳани адлия бошқармасида хукукий экспертизадан ўтказиш**

68. Лойиҳа тайёрланган маълумотнома, лойиҳанинг келишилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар ҳамда ҳоким ёки унинг ўринбосари томонидан им-золанган кузатув хати билан бирга ҳукукий экспертизадан ўтказиш учун адлия бошқармасига тақдим этилади.

69. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг лойиҳалари мазкур Кенгашлар сессиялари ўтказилишидан камида ўн кун олдин адлия бошқармасига тақдим этилади.

Адлия бошқармалари томонидан ҳукукий экспертизадан ўтказилмаган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари қарорларининг лойи-ҳалари Кенгаш муҳокамаларига киритилмайди.

70. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун лойиха тақдим этилган сана адлия бошқармасининг девонхонаси томонидан қабул қилиб олинган сана хисобланади. Агар лойиха поча хизмати орқали топширилган бўлса, тегишли алоқа бўлими корреспонденти томонидан адлия бошқармасига топширилган сана — ҳужжат қабул қилинган кун хисобланади.

71. Тақдим этилган лойихани норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлмаганлиги сабабли ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш зарур бўлмаган ҳолларда, адлия бошқармалари 2 иш куни мобайнида лойихани хуносасиз мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ намунасадаги кузатув хати билан қайтариб юборади.

72. Адлия бошқармалари тақдим этилган лойихани 5 иш куни ичидаги ҳуқуқий экспертизадан ўтказади.

73. Лойихалар адлия бошқармалари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилаётганда уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги аниқланади.

74. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш давомида адлия бошқармалари лойихаларни уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқукбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳам таҳлилни амалга оширади.

75. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш давомида лойиханинг келгусида ҳуқуқий тартибга солиш предмети (муайян соҳадаги муносабат) ва ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг ишлаб чиқилиш даражаси аниқланади. Бунда тегишли муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинганлик ҳолати ва даражасига баҳо бериш мақсадида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилади.

Муайян соҳанинг ҳуқуқий тартибга солинганлик даражаси ўрганилганда, лойиханинг ушбу муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасидаги ўрни ва ўзаро алоқадорлиги аниқланади.

76. Лойиха нормаларидаги муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатадиган бўшликлар ва номувофиқликлар ҳамда ички зиддиятлар мавжуд эмаслигига эътибор берилади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниш зарурияти ўрганилади.

Лойихада ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

77. Лойиханинг номи унинг мазмунига мувофиқлиги текширилади.

78. Лойиханинг қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади. Бунда жумладан қўйидагиларга ахамият берилади:

лойиханинг ушбу Йўриқноманинг III ва IV бобларида кўрсатилган талабларга мос равишда тайёрланганлиги ва расмийлаштирилганига;

хавола қилинаётган ҳужжатларнинг расмий манбалари тўғри кўрсатилганлигига;

лойиха билан бошқа қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилган бўлса, лойиха ушбу Йўриқноманинг V бобида кўрсатилган талабларга мос равишда ишлаб чиқилганлигига.

79. Лойихада ишлатилган юридик, техник ва бошқа атамаларга баҳо беришда қўйидагилар ўрганилади:

атамаларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофика, хар хил талқин қилиш имкониятини истисно этган ҳолда баён қилинганлиги;

лойихадаги атама ва тушунчаларнинг тўлиқ очиб берилганлиги;

ишлатилган қисқартмаларга тушунча берилганлиги.

80. Агар тақдим этилган лойиха ҳуқуқий экспертиза натижаларига кўра қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидалари талабларига жавоб берса, лойиханинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 2-иловасидаги намунага мувофика хulosaga тузилади.

81. Лойиханинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисидаги хulosada қўйидагилар кўрсатилади:

хulosaga раками ва санаси;

loyihaniнg реквизитлари;

loyihaniнg қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги хақидаги маълумотлар;

ҳуқуқий экспертизадан ўтказган мутахассис ҳамда хulosani tasdiqlagan адлия бошқармаси раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми.

82. Агар тақдим этилган лойиха ҳуқуқий экспертиза натижаларига кўра қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидалари талабларига жавоб бермаса, лойиханинг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 3-иловасидаги намунага мувофика хulosaga тузилади.

83. Лойиханинг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги тўғрисидаги хulosada қўйидагилар кўрсатилади:

хulosaga раками ва санаси;

loyihaniнg реквизитлари;

loyihaniнg қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига номувофиқлиги хақидаги маълумотлар;

ҳуқуқий экспертизадан ўтказган мутахассис ҳамда хulosani tasdiqlagan адлия бошқармаси раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми.

84. Ушбу Йўриқноманинг 81 ва 83-бандларида кўрсатилган хulosalar икки нусхада тузилиб, адлия бошқармасининг Ҳуқуқий экспертиза ва қонун ҳужжатларини туркумлаш шўъба мудири томонидан (Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлигига Конунчилик бўлими бошлиги томонидан) имзоланади ва адлия бошқармасининг раҳбари томонидан tasdiqlanadi.

Хulosalarning bir nusxasi mazkuri Йўриқноманинг 4 ва 5-иловаларида келтирилган шаклга мувофика кузатув хати билан тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органига юборилади.

85. Конун ҳужжатларига номувофиқлиги тўғрисидаги хulosada кўрса-

**65-модда**

**— 70 —**

**5 (557)-сон**

тилган камчиликлар бартараф этилгач, лойиха махаллий давлат ҳокимияти органи томонидан адлия бошқармасига қайта тақдим этилиши мумкин.

86. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги түғрисидаги хulosалар тақдим этилган сана тегишли махаллий давлат ҳокимияти органининг масъул ходими имзо қўйиб олинган сана ҳисобланади. Агар хulosалар почта хизмати орқали топширилган бўлса, тегишли алоқа бўлими корреспондентига топширилган сана — хulosса топширилган кун ҳисобланади.

87. Адлия бошқармаларида Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қайд этиш китоби юритилиб, унда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган ҳар бир лойиха хақидаги маълумотлар мазкур Йўриқноманинг 6-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ киритилиб борилади.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қайд этиш китоби тикилган, ракамланган ва тегишли адлия бошқармаларининг муҳри билан тасдиқланган ҳолда юритилади.

## **IX боб. Якуний қоида**

88. Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимлари мазкур Йўриқноманинг талабларига риоя қилиниши учун шахсан масъулдирлар.

5 (557)-сон

— 71 —

65-модда

Махаллий давлат хокимияти органлари  
томонидан қабул қилинадиган норматив-  
хукукий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,  
юридик-техник расмийлаштириш ва  
хукукий экспертиздан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
1-ИЛОВА

Намуна

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGI  
  
SIRDARYO VILOYAT  
ADLIYA BOSHQARMAKI



120100, Гулистан шаҳри,  
Ал-Хоразмий кӯчаси, 24-үй.  
Тел: (3672) 25-00-93, Факс: 25-09-69  
Электрон почта: [sirdaryo@minjust.gov.uz](mailto:sirdaryo@minjust.gov.uz)

2013 йил 9 январь 02/2166-сон

MINISTRY OF JUSTICE  
OF THE REPUBLIC  
OF UZBEKISTAN

DEPARTMENT OF JUSTICE  
OF SYRDARYA REGION

24, Al-Horazmy Street, Gulistan city, 120100  
Phone: (3672) 25-00-93, Fax: 25-09-69  
e-mail: [sirdaryo@minjust.gov.uz](mailto:sirdaryo@minjust.gov.uz)

Сирдарё туман ҳокими  
Б. Сувоновга

Сизнинг 2013 йил 7 январдаги  
1-98-сонли хатингизга

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан «Туманда тоза ҳаво ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги туман ҳокими қарори лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-хукукий хужжатлар тўғрисида»ги Конуннинг З-моддасига мувофиқ белгилangan шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун хужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий хужжат норматив-хукукий хужжат ҳисобланади.

Мазкур қарор лойиҳаси умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун хужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилмаганлиги сабабли адлия бошқармасида хукукий экспертиздан ўтказиладиган хужжатлар тоифасига кирмайди.

Хукукий экспертиздан ўтказилмайдиган хужжатларда, қонун хужжатларига зид нормалар бўйламаслиги лозим.

Илова: қарор лойиҳаси \_\_\_\_ варақда

Бошқарма бошлиғи

Э. Ходжақулов

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

**65-модда**

**— 72 —**

**5 (557)-сон**

Махаллий давлат ҳокимияти органлари  
томонидан қабул қилинадиган норматив-  
хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,  
юридик-техник расмийлаштириш ва  
хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
2-ИЛОВА

Намуна

ТАСДИҚЛАЙМАН  
М.Ў. Сирдарё вилояти адлия  
бошқармаси бошлиғи  
\_\_\_\_\_ Э. Ходжақулов  
(имзо)

**Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан  
норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини хуқуқий  
экспертизадан ўтказиш юзасидан**

**ХУЛОСА**

2013 йил «9» январь

Гулистон шаҳри

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги  
Қонунининг 21-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон  
Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга асосан Сирдарё  
вилоят Оқ олтин туман ҳокимининг «Ижтимоий химояга муҳтоҷ ва иш то-  
пишда қийналётган шахслар учун 2013 йилда иш ўринларини банд қилиб  
қўйиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси хуқуқий экспертизадан ўтказилганда  
куйидагилар

**АНИҚЛАНДИ:**

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2008 йил  
20 августдаги 186-сон «Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ ва иш топишда қий-  
налётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб  
қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижроси-  
ни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Вазирлар Мажкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан  
тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ ва иш топишда қийналётган шахс-  
ларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби  
тўғрисида низомда маҳаллий давлат ҳокимиятининг ушбу ижтимоий муносабатларни  
тартибга солиш учун қарор қабул қилиш ваколати белгиланган.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

**5 (557)-сон**

**— 73 —**

**65-модда**

Оқ олтин туман ҳокимининг «Ижтимоий ҳимояга мухтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахслар учун 2013 йилда иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги қарор лойиҳаси қонун ҳужжатларига зид эмас.

Ушбу қарор лойиҳаси қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Юқоридагиларга биноан, туман ҳокимининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарори лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

### **ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:**

Оқ олтин туман ҳокимининг «Ижтимоий ҳимояга мухтоҷ ва иш то-пишда қийналаётган шахслар учун 2013 йилда иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун туман ҳокимлиги-га юборилсин.

**Ҳуқуқий экспертиза ва қонун  
ҳужжатларини туркумлаш  
шўъба мудири:**

**65-модда**

**— 74 —**

**5 (557)-сон**

Махаллий давлат ҳокимияти органлари  
томонидан қабул қилинадиган норматив-  
хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,  
юридик-техник расмийлаштириш ва  
хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
З-ИЛОВА

Намуна

ТАСДИҚЛАЙМАН  
М.Ў. Сирдарё вилояти адлия  
бошқармаси бошлиғи  
\_\_\_\_\_ Э. Ходжақулов  
(имзо)

**Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан  
норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини хуқуқий  
экспертизадан ўтказиш юзасидан**

**ХУЛОСА**

2013 йил «9» январь

Гулистон шахри

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги  
Қонунининг 21-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекис-  
тон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга асосан Сирдарё  
вилоят Оқ олтин туман ҳалқ депутатлари Кенгашининг «Оқ олтин тумани-  
да жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш ҳамда санитария қоидала-  
рига риоя қилинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси  
хуқуқий экспертизадан ўтказилганда қўйидагилар

**АНИҚЛАНДИ:**

1. Оқ олтин туман ҳалқ депутатлари Кенгashi қарори лойиҳасининг  
6-бандида ушбу қарор ижросини назорат қилиш «Маҳалла» хайрия жамоат  
фондининг Оқ олтин тумани бўлимига юклатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолия-  
тининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, но-  
давлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бош-  
каруви органларидан мустақилdir, конунларда назарда тутилганидан бош-  
қа ҳолларда уларга ҳисобот бермайди ҳамда уларнинг назорати остида  
бўлмайди.

Шунга мувофиқ, лойиҳанинг 6-бандини Ўзбекистон Республикаси «Но-

давлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Конун талабларига мослаштириш лозим бўлади.

2. Махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 11-бандида норматив-хуқуқий хужжатда хорижий тилларнинг атамалари давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда қўлланилиши тақиқланган бўлсада лойиҳанинг 2, 3 ва 4-бандларида «перекрёстка» сўзи ишлатилган.

3. Лойиҳада бир қатор орфографик хатолар мавжуд. Жумладан, лойиҳа муқаддимасида «тартиб» сўзи «тартб» тарзида, лойиҳа 3-бандидаги «юридик» сўзи «юредик» тарзида нотўғри ёзилган.

Бундан ташқари, лойиҳада келтирилган ҲУЖМШ абревиатураси очиб ёзилиши лозим.

4. Лойиҳада қонунчилик техникаси талаблари бузилган. Хусусан, 3-банддан кейин 5-банд қўйилган бўлиб, бандлар изчил кетма-кетликда рақамланмаган.

Лойиҳани расмийлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилинмаган. Хусусан, вараклар рақамланмаган, лойиҳанинг биринчи бети юқори кисми ўнг томонида «ЛОЙИҲА» сўзи қўйилмаган.

Юқоридагиларга биноан, туман халқ депутатлари Кенгашининг норматив-хуқуқий тусдаги қарор лойиҳасини хуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

### **ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:**

Оқ олтин туман халқ депутатлари Кенгашининг «Оқ олтин туманида жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш ҳамда санитария қоидаларига риоя қилинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилмаганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига номувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун туман ҳокимлигига юборилсин.

### **Хуқуқий экспертиза ва қонун хужжатларини туркумлаш шўъба мудири:**

**65-модда**

**— 76 —**

**5 (557)-сон**

Махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
4-ИЛОВА

Намуна

**O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGI**

**SIRDARYO VILOYAT  
ADLIYA BOSHQARMASI**

120100, Гулистон шаҳри,  
Ал-Хоразмий кўчаси, 24-үй.  
Тел: (3672) 25-00-93, Факс: 25-09-69  
Электрон почта: [sirdaryo@minjust.gov.uz](mailto:sirdaryo@minjust.gov.uz)

2013 йил 9 январь 02/2166-сон



**MINISTRY OF JUSTICE  
OF THE REPUBLIC  
OF UZBEKISTAN**

**DEPARTMENT OF JUSTICE  
OF SYRDARYA REGION**

24, Al-Horazmy Street, Gulistan city, 120100  
Phone: (3672) 25-00-93, Fax: 25-09-69  
e-mail: [sirdaryo@minjust.gov.uz](mailto:sirdaryo@minjust.gov.uz)

**Сирдарё туман ҳокими  
Б. Сувоновга**

*Сизнинг 2013 йил 7 январдаги  
1-98-сонли хатингизга*

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси «Йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўловчи ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавф-сизлигини таъминлаш тўғрисида»ги туман ҳокими қарори лойиҳаси қонун хужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини билдиради.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг, қарорни расмий нашрларда эълон қилишингиз, Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь)га мувофиқ З кун ичida давлат ҳисобига олиш учун қофоз ва электрон шаклларда адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозимлиги маълумот тариқасида маълум қилинади.

*Илова: қарор лойиҳаси \_\_\_\_ варақда*

**Бошқарма бошлиғи**

**Э. Ходжақулов**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

5 (557)-сон

— 77 —

65-модда

Махаллий давлат хокимияти органлари  
томонидан қабул қилинадиган норматив-  
хукукий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,  
юридик-техник расмийлаштириш ва  
хукукий экспертизадан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
5-ИЛОВА

Намуна

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGI

SIRDARYO VILOYAT  
ADLIYA BOSHQARMASI

120100, Гулистон шаҳри,  
Ал-Хоразмий кўчаси, 24-үй.  
Тел: (3672) 25-00-93, Факс: 25-09-69  
Электрон почта: [sirdaryo@minjust.gov.uz](mailto:sirdaryo@minjust.gov.uz)

2013 йил 9 январь 02/2166-сон



MINISTRY OF JUSTICE  
OF THE REPUBLIC  
OF UZBEKISTAN

DEPARTMENT OF JUSTICE  
OF SYRDARYA REGION

24, Al-Horazmy Street, Gulistan city, 120100  
Phone: (3672) 25-00-93, Fax: 25-09-69  
e-mail: [sirdaryo@minjust.gov.uz](mailto:sirdaryo@minjust.gov.uz)

Сирдарё туман ҳокими  
Б. Сувоновга

Сизнинг 2013 йил 7 январдаги  
1-98-сонли хатингизга

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси «Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги туман ҳокими қарори лойиҳаси қонун хужжатларига ва қонунчилик техникаси қоидаларига номувофиглигини билдиради.

Хукукий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича хулосада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этганингиздан кейин, қарор лойиҳасини қайта хукукий экспертизадан ўтказиш учун адлия бошқармасига тақдим этишингиз мумкин.

Илова: қарор лойиҳаси, хукукий экспертиза натижалари бўйича  
хулоса \_\_\_\_ варақда

Бошқарма бошлиғи

Э. Ходжақулов

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

**65-модда**

**— 78 —**

**5 (557)-сон**

Махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
6-ИЛОВА

**Хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатларни қайд этиш  
КИТОБИ**

T/p	Лойиҳанинг келиб тушган куни	Лойиҳани юборган маҳаллий давлат ҳокимияти органи	Лойиҳанинг номи	Хуқуқий экспертиза бўйича хulosанинг қисқача мазмуни	Хulosса тақдим этилган кун	Изоҳ*
1	2	3	4	5	6	7

\* Қайта ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурӣ ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар мавжуд бўлган қарор лойиҳалари қайд этилади.